

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУРАЗАКОВА МУХАЙЁ ДИЛШОДОВНА**

**ЎТ ЙЎЛЛАРИ ПАТОЛОГИЯСИ МАВЖУД ХОМИЛАДОРЛАРДА  
АКУШЕРЛИК ВА ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ  
МАҚСАДИДА ОЛИБ БОРИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Абдуразакова Мухайё Дилшодовна**

Ўт йўллари патологияси мавжуд ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларини камайтириш мақсадида олиб боришни оптималлаштириш..... 3

**Абдуразакова Мухайё Дилшодовна**

Оптимизация тактики ведения беременных с патологией желчевыводящих путей для снижения акушерских и перинатальных осложнений ..... 25

**Abdurazakova Mukhayyo Dilshodovna**

Optimization of pregnancy management tactics with biliary pathologies to reduce obstetric and perinatal complication..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДУРАЗАКОВА МУХАЙЁ ДИЛШОДОВНА**

**ЎТ ЙЎЛЛАРИ ПАТОЛОГИЯСИ МАВЖУД ХОМИЛАДОРЛАРДА  
АКУШЕРЛИК ВА ПЕРИНАТАЛ АСОРАТЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ  
МАҚСАДИДА ОЛИБ БОРИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1469** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Бабаджанова Гулжаҳон Саттаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Зуфарова Шахноза Алимджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Каримова Феруза Джавдатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тошкент Давлат стоматология институти**

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «10» ИЮН куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6/8 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «6» ИЮН куни тарқатилди.  
(2024 йил «6» ИЮН даги 1/3 рақамли реестр баённомаси).



**А.В. Алимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Т.А. Набиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Д.Н. Ахмедова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ўт пуфаги ва ўт йўллари касалликларининг учраши хазм қилиш тракти касалликлари орасида биринчи ўринни эгаллаб, уларнинг 1/3 қисмини ташкил қилмоқда<sup>1,2</sup>. Шу билан бирга уларнинг кенг тарқалиши, ривожланиш тенденцияси, жарроҳлик аралашувларининг кўп учраши туфайли катта тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Сўнгги ўн йилликда ҳомиладор аёлларда ўт пуфаги ва йўллари касалликлари билан касалланишнинг барқарор ўсиш салмоғи кузатилмоқда. Шунингдек, ёш репродуктив ёшдаги ҳомиладор аёллар орасида соматик патологиялар, шу жумладан билиар тизим патологиялари ортганлиги сабабли ақушерлик асоратларининг учраш даражаси ҳам ортиб бормоқда<sup>2</sup>.

Жаҳонда ўт тош касаллигининг учраш салмоғи турли илмий манбаларда 12% дан 30% гача қайд этилади ва у авжланувчи характерга эга бўлиб, 9% ҳолатларда ҳомиланинг ўз-ўзидан тушишига ва 30% ҳолатларда муддатидан олдинги туғруқлар кузатилишига сабаб бўлади<sup>3</sup>. Маълумки, хар битта туғруқ калькулёз холецистит шаклланиши хавфини 8% га оширишини, 1 йил мобайнида кўкрак билан эмизиш эса бу хавфни 8-10% камайтиришини кўрсатади. Ҳомиладорлик даврида кузатиладиган эстроген ва прогестерон даражасининг ошиши каби гормонал ўзгаришлар ўт пуфагида тошлар ҳосил бўлишига шароит яратади. Қорин бўшлиғи аъзоларида ўтказиладиган барча жарроҳлик аралашувлари бўйича холецистэктомия амалиёти биринчи ўринда туради, хусусан, АҚШда ўт пуфаги хасталиклари сабаб ҳар йили тахминан 500 000 холецистэктомия амалиёти амалга оширилади<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда гепатобилиар тизимнинг сурункали касалликлари турли илмий манбаларга кўра, ҳомиладорларда 8,6-9,2% ҳолатларда аниқланади ва 68-75% кузатувларда ҳомиладорлик ва туғруқнинг асоратли кечишига сабаб бўлади. Ҳомиладорлик даврида холецистэктомия амалиётининг бажарилиши 0,1-0,3% ни ташкил қилади<sup>3</sup>. Баъзи ҳолларда кўшилиб келган патологиялар ҳомиладорлик ва туғруқнинг оғир асоратларига (преэклампсия, ҳомиланинг ривожланишдан ортда қолиши синдроми, HELLP-синдроми, токсик гепатоз ва б.), перинатал йўқотишларга, аёлнинг репродуктив аъзоларидан махрум бўлишига ва хатто ўлимига олиб келиши мумкин<sup>4</sup>. Преэклампсия оналар ва перинатал касалликлари ва ўлимининг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Ўт пуфаги патологияси мавжуд ҳомиладор аёлларда кўп ҳолатларда ҳомиладорлар қусишининг оғир ва давомли кечиши, преэклампсия ривожланиши инобатга олинса, ушбу патологиянинг гипертензив синдром ривожланишида ролини ўрганиш қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

<sup>1</sup> Волевач Л.В., Габбасова Л.В., Нафикова А.Ш., Демидова Н.А. Хронический некалькулезный холецистит и ожирение: факторы риска, клинико-функциональные особенности. Монография. Тамбов 2022.

<sup>2</sup> Sundaram KM, Morgan MA, Depetris J, Arif-Tiwari H. Imaging of benign gallbladder and biliary pathologies in pregnancy. *Abdominal Radiology (New York)*. 2023 Feb.

<sup>3</sup> Rios-Diaz A.J. et al. (2020). Is It Safe to manage acute cholecystitis nonoperatively during Pregnancy? *Annals of Surgery*, 272(3), 449–456.

<sup>4</sup> Li X, Liu L, Whitehead C, Li J, Thierry B, Le TD, Winter M. Identifying preeclampsia-associated genes using a control theory method. *Brief Funct Genomics*. 2022 Jul 27;21(4):296-309.

Республикамизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта аниқлаш, даволаш усулларини такомиллаштириш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуни (2019-йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022–2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-апрелдаги “2022–2026-йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида” ги ПҚ да белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон олимлари тадқиқотларида ўт пуфаги касалликлари билан хасталанган ҳомиладорларда муддатидан олдинги туғруқнинг юқори салмоғи, ҳомиланинг тўсатдан ўлими хавфи ва шошилишч госпитализация зарурати батафсил ёритиб берилган, яъни улар 44 ҳомиладор беморларнинг 11,4% да муддатидан олдинги туғруқ ва 65,1% ҳолатларда туғруқ кесарча кесиш билан яқунланганлигини қайд этган (Zhi Ven Fong ва б., 2019). Шунингдек, уларнинг хулосаларига кўра, калькулёз холецистит билан оғриган беморларда ҳомиладорлар қусишининг ўрта ва оғир даражалари гестациянинг 20-30 хафтасигача давом этадиган ҳомиладорларнинг ҳаддан ташқари қусиши билан асоратланади ва баъзи ҳолатларда жигар патологиясига айланиши мумкин (Jones M.W., 2021). Ўт йўллари касалликлари I триместрда ҳомиладорлар қусиши ва ҳомилани ўз-ўзидан тушиши, II ва III триместрларда – муддатидан олдинги туғруқ, преэклампсия ва айниқса, ҳаёт учун хавфли HELLP-синдроми билан асоратланиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосаларни кўрамиз (Werner R., Panagiotis T., Patrick S., 2020).

МДХ давлатлари олимларининг илмий изланишларининг натижаларида ўт пуфаги ва ўт йўллари хасталиқларининг ҳомиладорлик даврида юқори учраш даражаси жигар томонидан стероид гормонларнинг метоболизмининг кучайиши билан боғлиқлиги ва ҳомиладорлик касаллиқнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган қўзғатувчи омилга айланишини кўришимиз мумкин (М.Ф. Додхова ва б., 2013). Курочка М.П. изланишларида ҳам преэклампсиядан вафот этган аёлларда соматик касаллиқларнинг роли ёритиб берилган. Унга кўра хазм қилиш тракти касаллиқлари (сурункали холецистит, панкреатит, калькулёз холецистит, гепатит, сурункали гастрит) 48,3% ҳолатларда аниқланган (Курочка М.П., 2014). Бошқа олимлар гуруҳи томонидан холециститнинг ўткир босқичида ҳомиладорликнинг кечиш хусусиятлари, жаррохлик усулида даволаш тамойиллари бўйича илмий изланишлар олиб борилган (Стяжкина С.Н., Гадельшина Л.И., Мерзликина К.А., 2021).

Мамлакатимиз олимлари томонидан ўт пуфаги хасталиклари мавжуд аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнларининг кечишини ўрганиш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган ва олиб борилмоқда. Хусусан, гепатобилиар тизимнинг сурункали касалликларининг ҳомиладорликнинг кечишига, акушерлик асоратлари, оғир преэклампсия, токсик гепатоз ривожланишига таъсири ўрганилган (Ниязметов Р.Э., 2016). Ҳозирги вақтда профессор Каримов А.Х. томонидан билиар қуйқа ва ўт пуфаги ҳолатини ҳомиладор аёлларда учраши, юзага келиш сабаблари, ҳомиладорликнинг кечишида уларнинг роли тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Каримов А.Х. ва б., 2022).

Шуни таъкидлаш жоизки, ўт пуфаги ва йўллари патологияси мавжуд ҳомиладор аёлларда акушерлик асоратларининг ривожланишини олдини олиш ва башоратлаш учун маркерлар сифатида цитокинлар ҳолати ва эндотелиал дисфункция кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар кам сонли ҳисобланади ва бу муаммонинг долзарблигини, бу йўналишда мақсадли тадқиқотлар олиб бориш заруратини белгилайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг акушерлик ва гинекология кафедрасида Давлат илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012300281 ИТИ “Она ва бола саломатлигининг тиббий-ижтимоий муаммолари. Муаммоларни ҳал этиш диагностикаси, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш” (2023-2026йй) илмий-тадқиқот ишлари мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром, акушерлик ва перинатал асоратларнинг ривожланишида эндотелиал дисфункция ролини аниқлаш, асоратларни камайтиришда замонавий текшириш алгоритми, башоратлаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

билиар патология мавжуд аёлларда гипертензив синдром ривожланишини эрта башорат қилиш учун ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш;

ўт пуфаги патологиялари мавжуд ҳомиладор аёлларда липид спектри, гемостаз ва цитокинлар ҳолатини баҳолаш;

билиар патологиялар фонида гипертензив синдром ривожланишида эндотелиал дисфункцияни ролини ўрганиш ва уни коррекциялаш усулларини ишлаб чиқиш;

ўт пуфаги патологиялари мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ривожланишини прогнозлаш шкаласини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар 9-сон туғруқ комплексида 2019-2022 йилларда даволанган 237 нафар бемор ва 30 нафар соматик соғлом ҳомиладор аёллар маълумотлари олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида ҳомиладор аёлларнинг периферик қони ва қон зардобии материаллари биокимёвий ва иммунологик текширишга олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, биокимёвий, иммунологик, иммунофермент, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали холецистит мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ривожланишининг хавф омиллари анамнез, клиник-лаборатор кўрсаткичлар ва функционал текширув усуллари асосида ўрганилган, касаллик ривожланишидаги ўрни исботланган;

сурункали холецистит мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ривожланиши қон зардобии таркибидаги липидлар ҳолати – холестерин, паст зичликдаги липопротеинлар, триглицеридлар, яллиғланиш олди цитокинлари - ўсимта некрози омили- $\alpha$  (TNF- $\alpha$ ), интерлейкин- $1\beta$  (IL- $1\beta$ ), интерлейкин-6 (IL-6) ва эндотелиал дисфункция маркери - ҳужайра адгезиясининг васкуляр молекуласи (VCAM-1) даражасига боғлиқлиги исботланган. Комплекс текширувлар ва VCAM-1 даражасини ( $>270$  нг/мл) аниқлаш нафақат гипертензив синдром ривожланиши хавфини, балки жараённинг чуқурлашишини билдирадиган кўрсаткич ҳисобланади. Унинг миқдорининг 550,0 нг/млдан баланд бўлиши преэклампсия оғир даражага ўтганлигини кўрсатиши исботланган;

ҳомиладорлик даврида ўт пуфаги касалликлари мавжуд аёлларда гипертензив синдром ва унинг асоратлари (индукцияланган муддатидан олдинги туғруқ, оператив туғруқлар, чала чақалоқларнинг туғилиши, ҳомиланинг ривожланишдан ортда қолиши синдроми, акушерлик қон кетишлари ва чилла даври асоратлари) ривожланишининг хавф гуруҳларини аниқлаш учун прогностик шкала яратилганлиги исботланган;

ўт пуфаги касалликлари мавжуд аёлларда оғир преэклампсия, акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш мақсадида гипертензив синдром ривожланиши хавфи бўлган ҳомиладор аёлларни олиб бориш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларини татбиқ этиш ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ва унинг асоратлари (муддатидан олдинги туғруқлар, ҳомиланинг ривожланишдан ортда қолиши синдроми, акушерлик қон кетишлари ва чилла даври асоратлари) ривожланишини камайтиришга асосланган;

ўт пуфаги патологияси мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ривожланишини башорат қилиш учун таклиф этилган шкаладан фойдаланиш оғир преэклампсия ривожланишини ўз вақтида олдини олишга ва оператив туғруқлар сонини камайтиришга асосланган;

тиббиёт муассасаларида амалий фойдаланиш учун ўт пуфаги касалликлари мавжуд аёлларда гипертензив синдром ривожланиши хавфи

бўлган ҳомиладор аёлларни олиб бориш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, биокимёвий, иммунологик, иммунофермент ва статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти комплекс текширувлар натижасида сурункали холецистит ва преэклампсия ривожланиши ўртасида патогенетик умумийлик, яъни дислипидемия, яллиғланиш олди цитокинлари даражасининг ортиши, гемостазиологик бузилишлар ва эндотелиал дисфункция мавжудлиги, VCAM-1 миқдорини аниқлаш нафақат гипертензив синдром ривожланишини, балки жараённинг чуқурлашганини - преэклампсиянинг оғир даражасини (550,0 нг/млдан баланд бўлиши) кўрсатиши изоҳланади;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижаларни татбиқ этиш давомида акушерлик ва перинатал асоратларнинг учраш даражасининг қисқариши билан изоҳланади. Ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладор аёллар ўртасида гипертензив синдром ривожланишини башорат қилиш мақсадида тавсия этилган шкала ва алгоритмни қўллаш оғир преэклампсия ва унинг оқибатлари - муддатидан олдинги оператив ва индукцияланган туғруқлар, чала туғилган чақалоқлар сонини камайиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент тиббиёт академияси эксперт кенгашининг 2024 йил 9 апрелдаги 04/100-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2023-йил 9-октябрдаги 09-08801-сон хати юборилган):

*биринчи илмий янгилик:* сурункали холецистит мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ривожланишининг хавф омиллари анамнез, клиник-лаборатор кўрсаткичлар ва функционал текширув усуллари асосида ўрганилди, касаллик ривожланишидаги ўрни аниқланганлиги Республика Перинатал марказининг 19.10.2023 йил №01/373-сонли ва Тошкент шаҳар 3-сонли туғруқ мажмуасининг 11.10.2023 йил №123-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: текширув асосида ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ривожланишини олдини олиш учун тавсиялар бериш орқали мавжуд ҳомиладорликда касалликни эрта ташхислаш натижасида ҳомиладорликни узайтириш имкониятлари оширади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: хавф

омилларини эътиборга олган ҳолда сурункали холецистит фонида гипертензив синдром юзага чиқишини 17 нафар ҳомиладор аёлларда эрта аниқлаш имкони бўлди, бу шифокорга мурожаат қилиш учун минимал 60000 сўм ва ҳомиладорларни шифохонада 1 кун ётиш тўлови учун минимал 76500 сўм, умумий 136 500 сўмга харажатларни қисқартиришга асос бўлди. Умумий 17 нафар ҳомиладор аёлга ҳисобланганда 2 320 500 сўмни иқтисод қилиш имконини берди. **Хулоса:** Шаклланган хавф гуруҳларида ҳомиладорликни олиб боришнинг индивидуал ёндашуви акушерлик асоратларини учраишини камайтиришга, шунингдек, 1 нафар ҳомиладор аёлнинг бир марталик кўрик ва бир кунлик шифохонада бўлиш вақти учун 136 500 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* сурункали холецистит мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ривожланиши қон зардоби таркибидаги липидлар ҳолати – холестерин, паст зичликдаги липопротеинлар, триглицеридлар, яллиғланиш олди цитокинлари - ўсимта некрози омили- $\alpha$  (TNF- $\alpha$ ), интерлейкин-1 $\beta$  (IL-1 $\beta$ ), интерлейкин-6(IL-6) ва эндотелиал дисфункция маркери - хужайра адгезиясининг васкуляр молекуласи (VCAM-1) даражасига боғлиқлиги исботланган. Комплекс текширувлар ва VCAM-1 даражасини (>270 нг/мл) аниқлаш нафақат гипертензив синдром ривожланиши хавфини, балки жараённинг чуқурлашишини билдирадиган кўрсаткич ҳисобланади. Унинг миқдорининг 550,0 нг/млдан баланд бўлиши прееклампсия оғир даражага ўтганлигини кўрсатиши исботланганлиги Республика Перинатал марказининг 19.10.2023 йил №01/373-сонли ва Тошкент шаҳар 3-сонли туғруқ мажмуасининг 11.10.2023 йил №123-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: холестерин, паст зичликдаги липопротеинлар, триглицеридлар, ўсимта некрози омили- $\alpha$ , интерлейкин-1 $\beta$ , интерлейкин-6 ва VCAM-1 даражаси ҳомиладорлик даврида акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишида юқори прогностик аҳамияти ва самарадорлигини исботлашга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: сурункали холецистит ва прееклампсия ўртасидаги патогенетик умумийликни ўрганиш ва индивидуаллашган ҳомиладорликни олиб бориш натижалари ҳомиладорлик асоратларининг сонини, даволаниш вақтини қисқартиришга имкон берди. Сурункали холецистит фонида ривожланган гипертензив синдром натижасида шифокорга мурожаат қилиш учун минимал 60000 сўм ва ҳомиладорларни шифохонада бир кун ётиш тўлови учун минимал 76500 сўм, умумий 136500 сўм иқтисод қилиш имконини берди. **Хулоса:** Ҳомиладорларда сурункали холецистит мавжуд бўлганда, акушерлик асорати туфайли даволанишига оилавий поликлиника шароитида бир марталик қатнов учун 60000 сўм ва шифохонада бўлиш вақти учун минимал 76500 сўм иқтисод қилинади. Умумий 1 нафар ҳомиладор аёлга бир кунлик учун 136500 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

*учинчи илмий янгилик:* ҳомиладорлик даврида ўт пуфаги касалликлари мавжуд аёлларда гипертензив синдром ва унинг асоратлари (индукцияланган муддатидан олдинги туғруқ, оператив туғруқлар, чала чақалоқларнинг туғилиши, ҳомиланинг ўсишдан ортда қолиши синдроми, акушерлик қон кетишлари ва чилла даври асоратлари) ривожланишининг хавф гуруҳларини аниқлаш учун прогностик шкала яратилганлиги исботланганлиги Республика Перинатал марказининг 19.10.2023 йил №01/373-сонли ва Тошкент шаҳар 3-сонли туғруқ мажмуасининг 11.10.2023 йил №123-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: таклиф этилган прогнозлаш усули клиник олди босқичларида преэклампсияни аниқлаш имконини беради. Бу эса преэклампсия натижасида юзага келадиган муддатидан олдинги индукцияланган ва оператив туғруқларни камайтиришга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ўт пуфаги ва йўллари касалликлари мавжуд ҳомиладорларни олиб боришда тавсия этилган башоратлаш шкаласи асосида олиб борилган аёлларда ташхислаш мақсадида комплекс текширув таркибида VСAM-1 даражасини аниқлаш орқали муддатидан олдинги туғруқ ва асоссиз тиббий аралашувларни камайтириш йўли билан 1 нафар ҳомиладор аёлга энг камида 2 076 500 сўмни иқтисод қилиш имконини беради. Бунда шифохонада бўлиш вақти учун минимал 76500 сўм ва кесарча кесиш амалиётига кетадиган харажатлар 2 000 000 сўмни ташкил этади. **Хулоса:** ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладорларда гипертензив синдром ривожланишини башорат қилиш учун тавсия этилган ташхислаш шкаласи асосида олиб борилган аёлларда VСAM-1 миқдорини аниқлаш орқали оғир преэклампсия оқибатида юзага келадиган муддатидан олдинги туғруқ ва асоссиз тиббий аралашувларни камайтириш йўли билан ҳомиладорларни шифохонада бўлиш ва кесарча кесиш амалиётига кетадиган харажатлар иқтисод қилинади. Умумий 1 нафар ҳомиладор аёлга 2 076 500 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* ўт пуфаги касалликлари мавжуд аёлларда оғир преэклампсия, акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш мақсадида гипертензив синдром ривожланиши хавфи бўлган ҳомиладор аёлларни олиб бориш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилгани Республика Перинатал марказининг 19.10.2023 йил №01/373-сонли ва Тошкент шаҳар 3-сонли туғруқ мажмуасининг 11.10.2023 йил №123-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: таклиф этилган алгоритмни татбиқ этиш орқали ўт пуфаги касалликлари фонида гипертензив синдром ривожланиши бўйича юқори хавф гуруҳига кирувчи ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни камайтириш орқали ҳомиладорликни узайтириш ва оператив туғруқлар сонини қисқартиришга эришилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: сурункали холецистит мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ривожланишининг хавфи бўлган аёлларни олиб бориш ва даволаш алгоритминини қўллаб оғир

преэклампсияни олдини олиш орқали туғруқни табиий йўл билан олиб боришга (768 000-1 025 200 сўм) эришилди ва шифохонада бўлиш вақти 5 кундан 3 кунга камайиб, 2 кун учун минимал 170 000 сўм иқтисод қилинди. Умумий хисобда 1 402 000 сўмни иқтисод қилишга эришилди. **Хулоса:** ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладор аёлларда гипертензив синдром ривожланишининг хавфи бўлган аёлларни олиб бориш ва даволаш алгоритмини татбиқ этиш оғир преэклампсия ривожланишини, акушерлик ва перинатал асоратларни камайтиришга ёрдам берди ва 1 нафар ҳомиладор аёл хисобига 1 402 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақолалар, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати ёритиб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ҳомиладор аёлларда ўт йўллари патологиясининг этиологияси, патогенези, унинг гипертензив синдром ривожланишига таъсири, ташхислаш ва даволаш усулларига доир замонавий қарашлар”** деб номланган адабиётлар шарҳида ўт пуфаги ва йўллари касалликларининг тарқалиши, келиб чиқиш сабаблари, ҳомиладорлик даврига хос бўлган хавф омиллари, ривожланиш механизми, клиник намоён бўлиши, ташхислаш усуллари ва даволашнинг консерватив ва жаррохлик амалиёти орқали амалга оширишнинг замонавий ёндашувлари ёритиб берилган. Шунингдек, акушерлик асоратларининг юзага келишида ўт пуфаги ва йўллари касалликларининг аҳамияти, улар ўртасидаги умумий патогенетик боғлиқликлар тўғрисида фикр юритилган. Гипертензив бузилишлар, жумладан, преэклампсия ривожланишида билиар тизим патологиясининг родини кўрсатиб берувчи патогенетик механизмлар, яъни эндотелиал

дисфункция ва унга олиб келувчи омиллар (липид спектридаги ўзгаришлар, яллиғланиш олди цитокинларининг ошиши) тўлиқ очиб берилган.

Диссертациянинг **“Клиник материал хусусиятлари ва текшириш усуллари”** бобида текширув материалларининг умумий тавсифи берилган.

Илмий тадқиқот ТТА (ректор, профессор А.К. Шадманов) акушерлик ва гинекология кафедрасида (кафедра мудири, т.ф.д., профессор Ф.И. Шукуров), Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 9-сон туғруқ мажмуасининг (бош шифокор У.У. Бегжанов) ҳомиладор аёллар касалликлари бўлимида 2019 йил январь ойидан 2022 йил сентябрь ойигача бўлган даврда даволанган ўт пуфаги ва йўллари патологияси, гипертензив синдром билан хасталанган беморларни қамраб олган.

267 нафар ҳомиладор аёллар 2 гуруҳга бўлиб ўрганилди: I гуруҳ - ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладор аёллар гуруҳи, n=133; улар 2 кичик гуруҳга бўлинди: IA гуруҳ - ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладор аёллар (X), n=101; IB гуруҳ - ўт пуфаги патологияси билан бирга гипертензив синдром кузатилган ҳомиладор аёллар (X+ГС), n=32; II гуруҳ - таққослаш гуруҳи – гипертензив синдром мавжуд, аммо билиар тизим патологияси аниқланмаган ҳомиладор аёллар (ГС), n=104. Назорат гуруҳини 30 нафар амалий соғлом ҳомиладор аёллар ташкил этди. Тадқиқотга жалб этилган беморларда умумий клиник текширув усуллари, шу жумладан, шикоятларни аниқлаштириш, касаллик тарихини сўраб суриштириш, наслий анамнез, овқат ҳазм қилиш тизимини ўрганиш, антропометрик кўрсаткичларни баҳолаш (бўйи, тана вазни, Кетле формуласи асосида – тана вазни (кг)/бўйи (м<sup>2</sup>)) – тана вазни индексини (ТВИ) ҳисоблаш) асосида беморларнинг ҳолати, ҳомиладорлик ва туғруқнинг кечиши, янги туғилган чақалоқларнинг ҳолати тўғрисида маълумотлар йиғдик. Ўт пуфагида сурункали жараённинг фаоллик даражасини аниқлаш учун қоннинг умумий таҳлили (лейкоцитлар, эритроцитлар чўкиш тезлиги), қоннинг биокимёвий таҳлили (умумий билирубин; аланинаминотрансфераза, аспартатаминотрансфераза, ишқорий фосфатаза,  $\gamma$  – глутамилтранспептидаза, умумий оксил, глюкоза, креатинин, мочевино) ўтказилди.

Липид спектрини баҳолаш учун 114 нафар ҳомиладор аёллар қон зардобиди биокимёвий (умумий холестерин, юқори ва паст зичликдаги липопротеидлар, триглицеридлар, атерогенлик коэффиценти), иммунологик (IL-1 $\beta$ , IL-6, TNF- $\alpha$ ) усуллар ўтказилди. Иммунофермент усули ёрдамида эндотелиал дисфункция маркери - VCAM-1 (ҳужайра адгезиясининг васкуляр молекуласи-1) ни аниқлаш ва функционал текшириш усуллари (ҳомила ва гепатобилиар соҳанинг ультратовуш текшируви, фетоплацентар тизим доплерографияси) амалга оширилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга IBM SPSS Statistics v.26 дастури (ишлаб чиқарувчи - IBM Corporation) ёрдамида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **“Ўт пуфаги касалликлари мавжуд аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг кечиш**

**хусусиятлари”** номли учинчи бобида беморларнинг ёши, ижтимоий, соматик ҳолати ва репродуктив функциясининг тавсифи ўрганилди.

Тадқиқотга киритилган беморларнинг ёш чегараси 19 дан 41 ёшгача оралиқда кузатилган. Асосий IA гуруҳда (XC) ўртача ёш  $26,5 \pm 3,3$ ни, IB гуруҳда (X+ГС)  $28,1 \pm 2,7$ , таққослаш гуруҳида (ГС) эса  $24,5 \pm 3,5$ ни, назорат гуруҳида  $23,4 \pm 2,7$  ёшни ташкил этди, яъни бу гуруҳлар бир-бирига яқин, шунинг билан бир вақтда солиштириш мумкин эканлигини кўрсатади.

Текширилган ҳомиладор аёлларнинг ҳозирда мавжуд соматик касалликлари ўрганилганда сийдик ажратув тизими касалликларининг тарқалиши энг баланд кўрсаткич  $54,2\%$  (58) билан гестацион гипертензия ва преэклампсия аниқланган (ГС) гуруҳда устунлик қилишини кузатдик. Айнан қиёсий гуруҳда кўп учраши буйрак патологиялари мавжуд ҳомиладорлар шу гуруҳда (ГС) гипертензив бузилишлар ривожланишидаги асосий хавф гуруҳларига мансуб эканлигини кўрсатади.

Тана вазни индекси барча гуруҳларда юқори натижани кўрсатди. Сурункали холецистит ва гипертензив синдром аниқланган (X) ҳомиладор аёлларда  $78,1\%$  (25) ҳолатларда семизлик мавжуд.  $59,6\%$  (62) нафар аёллар таққослаш (ГС) гуруҳида семизликдан азият чекишган.

Айнан, гипертензив бузилишлар қайд этилган IB (X+ГС) ва II таққослаш (ГС) гуруҳларда семизлик даражасининг юқори эканлиги кузатилди. IB (X+ГС) гуруҳда IA (X) гуруҳга нисбатан 1,7 марта, таққослаш (ГС) гуруҳига нисбатан 1,3 баробар юқори кўрсаткичга эга. Бу семизликни преэклампсия ривожланишида хавф омили сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботлайди.

Ўт пуфаги касалликлари бўйича наслий анамнез суриштирувларида яқин қариндошларда ва ота-онасида кузатилган ўт пуфаги патологияларини (ўт тош касаллиги, ўт пуфаги букилиши, ўт пуфаги полипи...) ўрганиш натижалари IA ва IB гуруҳларда кўрсаткичлар мос равишда  $16,8\%$  ва  $28,1\%$  ни кўрсатди.

Ўт пуфаги ва йўллари касалликларининг намоён бўлиш шаклини ўрганганимизда IA (X) гуруҳда сурункали тошсиз холецистит ташхиси  $86,1\%$  (87), ўт тош касаллиги  $12,8\%$  (13) ҳолатларда асосий ташхис сифатида, шунингдек, ўт пуфаги полипи, ўт йўллари дискинезияси, холестааз бирга қўшилиб келувчи патологик ҳолатлар сифатида қайд этилди. IB (X+ГС) гуруҳда бу кўрсаткич мос равишда  $78\%$  (25) ва  $21,8\%$  (7) ташкил этди.

Асосий ва таққослаш (ГС) гуруҳларда гинекологик анамнез ўрганилганда куйидаги маълумотларни гуруҳларга мос равишда аниқладик: жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари (кольпит, сурункали эндометрит, аднексит)  $21,9\%$  (7) ҳолатларда ўт пуфаги патологияси ва гипертензив бузилишлар аниқланган (X+ГС) ҳомиладорлар гуруҳида, бачадон бўйни патологияси (церцивицит, эрозия, чандикли ўзгаришлар)  $14,9\%$  (15) ҳолатларда IA гуруҳда (X), бирламчи ва иккиламчи бепуштлик  $9,3\%$  ҳолатларда IB гуруҳда (X+ГС) кузатилди.

Ҳомиладорлик паритетини ўрганиш шуни кўрсатдики, 2-гуруҳда (ГС) биринчи туғувчи аёллар сони (55,8% (58)) асосий гуруҳга нисбатан 1,2 баробар ортиқ. Аксинча, билиар патология фонида преэклампсия қайд этилган (X+ГС) ҳомиладорлар ўртасида кўп туғувчи қатлам ҳар икки аёлдан биттасини (53,1% (17)) ташкил этади. Шу билан бирга биринчи туғувчиларнинг асосий ва таққослаш (ГС) гуруҳидаги улуши (42,8% (57) ва 55,8% (57)) уларда хавф омилларининг ва ҳомиладорлик жараёнининг хусусиятларини чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

Текширилган беморларда ҳомилани ўз-ўзидан тушиши сони 1Б гуруҳда (X+ГС) 1А (X) ва 2-гуруҳларга (ГС) қараганда сезиларли даражада юқори, назорат гуруҳига нисбатан 4,2 баробар кўп учрайди. Тиббий абортлар сониди асосий ва таққослаш гуруҳларда (ГС) сезиларли фарқлар кузатилмади. Ривожланмаган ҳомиладорлик 1А (X) ва 2-гуруҳларда (ГС) деярли бир хил кўрсаткичга эга ва 1Б гуруҳ (X+ГС) билан солиштирилганда 2 баробар камлиги аниқланди, назорат гуруҳида мутлақо содир бўлмаган. Эктопик ҳомиладорлик фақат сурункали холецистит ва гипертензив ҳолатлар кўшилиб келган (X+ГС) беморларда (6,2%) қайд этилган.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, аёлда ҳомиладорлик сонининг кўплиги, туғруқ интервалларининг камлиги, анамнезида репродуктив йўқотишлар даражасининг юқорилиги билиар патологиянинг, кейинчалик унинг асосида гипертензив ҳолатлар кузатилишига сабаб бўлади. Гестация давридаги гормонлар мувозанатининг ўзгариши ва ҳомиладорликларнинг тез-тез такрорланиши бу жараёнларни тезлаштиради. Шундай қилиб, сурункали холецистит ва унинг гипертензив синдром билан асоратланган шаклининг ривожланишида хавф омиллари репродуктив анамнез натижаларига кўра гормонал дори воситаларидан фойдаланиш, кўп ҳомиладорлик ва туғруқлар сонининг юқорилиги, асоратланган акушерлик-гинекологик ҳолатларидир.

Тадқиқот натижаларига кўра, холецистит фониди юзага келган преэклампсия ҳолатида (X+ГС) қусиш бошқа гуруҳларга нисбатан давомлилиги билан ажралиб турибди. Ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладор аёлларда (X) ва таққослаш гуруҳида (ГС) қусиш синдроми асосан 14 ҳафталик муддатгача кузатилган. 14-22 ҳафталик ва 22 ҳафтадан кейинги даврда қусишлар учраш даражаси бўйича устунлик 34,3% (11), 15,6% (5) 1Б гуруҳ (X+ГС) текширилувчиларида аниқланди. Преэклампсия оғирлик даражасига кўра 1Б гуруҳда (X+ГС) ўрта даража 28,1% (9), оғир даража 25,0% (8) ва 2-гуруҳда (ГС) мос равишда 27,9% (29) ва 20,2% (21) ташкил этади.

Бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши 1А даража бузилиши гепатобилиар тизим патологияси мавжуд бўлмаган гипертензив синдром аниқланган гуруҳда (ГС) назорат гуруҳига нисбатан юқори кўрсаткичга эга  $p < 0,001$ . Бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши 1Б даража бузилиши преэклампсия қайд этилган ўт пуфаги касалликлари мавжуд ҳомиладор аёлларда (X+ГС) 1А (X) ва таққослаш (ГС) гуруҳига нисбатан мос равишда 1,5 ва 2,0 баробар кўп учради. Ушбу қон айланишидаги бузилишларга монанд

равишда плацента дисфункцияси, ҳомилани ўсишдан ортда қолиши ва ҳомила гипотрофияси ўт пуфаги патологияси ва гипертензив синдром кузатилган (X+ГС) гуруҳда преэклампсия қайд этилган таққослаш гуруҳига нисбатан юқори натижаларни ( $p < 0,01$ ;  $p < 0,001$ ;  $p < 0,001$ ) кўрсатди.

Асосий гуруҳда 133 нафар ҳомиладор аёллардан 127 тасида, таққослаш (ГС) гуруҳида 104 нафардан 100 тасида, назорат гуруҳидаги барча ҳомиладорлар аёлларда туғруқ 9-сон туғруқ комплексида содир бўлган. Муддатдаги туғруқлар сонининг таҳлилида гуруҳларда кескин фарқ сезилмайди. Муддатидан олдинги туғруқ 1А (X) гуруҳга нисбатан преэклампсия қайд этилган 1Б (X+ГС) ва 2-гуруҳларда (ГС) 2 марта кўп учраган ва мос равишда 9,7 ва 9,0% ни ташкил этади. Муддатидан олдин содир бўлган туғруқларнинг сабаби преэклампсия ва унинг асоратларига боғлиқдир. Уларнинг улуши преэклампсия оғир даража ташхиси қўйилган вазиятларга тўғри келади.

Кесарча кесиш амалиёти орқали амалга оширилган туғруқлар кўрсаткичлари 1Б (X+ГС) ва 2-гуруҳларда (ГС) деярли фарқ қилмайди, 1А гуруҳда уларга нисбатан 2 баробар кам учрайди. Оператив туғруқларга кўрсатмалар 1Б (X+ГС) ва 2-гуруҳларда (ГС) гипертензив синдром ва унинг асоратлари билан боғлиқ бўлса, 1А гуруҳда (X) турли соматик ва акушерлик патологиялари сабаб ўтказилган кесарча кесиш амалиётидан кейинги бачадон чандиғи ҳисобланади. НЖЙБК айнан гипертензив ҳолатлар қайд этилган гуруҳларда (X+ГС) 6,4 ва 5,0% (ГС) учраши ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Назорат гуруҳида туғруқнинг бундай асоратлари кузатилмади.

Беморларда туғруқдан кейинги давр бачадон субинволюцияси билан асоратланди. Улар гуруҳлар ичида энг юқори кўрсаткич 22,5% билан 1Б гуруҳда (X+ГС), 9,0% билан 2-гуруҳда (ГС), 4,1% (4) билан 1А гуруҳда (X) тақсимланади. 1Б гуруҳда (X+ГС) бундай юқори натижа уларда туғруқлар сонининг кўплиги, семизлик даражаси ва гипертензив ҳолатларнинг кўшилиб келиши билан изоҳланади.

1Б гуруҳда (X+ГС) туғруқ вақтида ўртача қон йўқотиш ҳажми  $430,83 \pm 68,8$  мл ни, 2-гуруҳда (ГС) қон йўқотиш ҳажми ўртача  $415,1 \pm 100,3$  мл ни ташкил этди. Иккала гуруҳ натижалари ҳам назорат гуруҳининг  $275,0 \pm 15,3$  кўрсаткичларидан сезиларли даражада фарқ қилди. Қон кетиш ҳажмининг юқорилиги 1Б (X+ГС) ва таққослаш (ГС) гуруҳида кузатилган туғруқдан кейин кузатилган атоник қон кетиши 12,8% (4) ва 7,0% (7) билан, шунингдек, жаррохлик туғруқлари билан изоҳланади. Атоник қон кетишлар барча вазиятларда консерватив тарзда тўхтатилди. Бачадон бўшлиғини қўлда текшириш амалиёти 1- ва 2-гуруҳлардаги беморларда (3,9 ва 4,0%) деярли бир хил нисбатда ўтказилган. Қон қуйиш амалиётига эҳтиёж бўлмаган, инфузион терапия даволаш самарали бўлиши учун етарли бўлди.

Деярли барча ўрганилган гуруҳларда 7-8 ва ундан юқори балл билан туғилган болалар сони кўпчиликини ташкил этди. 1А гуруҳда (X) енгил асфиксияда туғилган болалар сони 8,2% ни ташкил этган бўлса, 1Б гуруҳда

(X+ГС) 6-7 балл билан 1,5 баробар кўп чақалоқлар туғилган, 2-гуруҳда (ГС) бу кўрсаткич 11,6% ни кўрсатади. Ўрта даражадаги асфиксиядан туғилган чақалоқлар асосан преэклампсия оғир даража кузатилган аёллардан туғилган, мос равишда IB (X+ГС) ва 2-гуруҳларда (ГС) 2(6,4%) ва 4(3,8%) дан тақсимланади. Оғир даражадаги асфиксия билан бир нафар чақалоқ таққослаш гуруҳида (ГС) қайд этилган. Назорат гуруҳида патологик оғишлар аниқланмаган.

Шундай қилиб, сурункали тошсиз ва калькулёз холецистит билан оғриган беморларнинг репродуктив функциясини тавсифловчи кўрсаткичларни ўрганиш уларнинг соғлом ҳомиладор аёлларнинг кўрсаткичлари билан солиштирганда кўп жиҳатдан фарқ қилишини кўрсатди. Кўп холларда билиар патология 24-29 ёшдаги фаол репродуктив ёшдаги аёлларда аниқланади. Соматик статус баҳоланганда семизликнинг улуши энг юқори кўрсаткичга эга. Бу айниқса, холецистит билан гипертензив ҳолатлар бирга кузатилган аёлларда яққол намоён семизлик II даража 34,4% (11), III даража 12,5% (4) бўлди. Ҳомиладорликнинг кечиши аксарият ҳолатларда давомли ва азобли қусишлар билан асоратланган, яъни IB гуруҳда (X+ГС) II ва III триместрларда мос равишда 34,3% (11) ва 15,6% (5) кузатилган. Айнан шу гуруҳда оғир преэклампсия учраши 25,0% ҳолатда, таққослаш гуруҳида (ГС) 20,2% ҳолатда учрайди.

Диссертациянинг **“Ҳомиладорлар аёлларда ўт пуфаги патологиясининг метаболик, биокимёвий ва иммунологик хусусиятлари”** номли 4-бобида липид спектри ва яллиғланиш олди цитокинларининг кўрсаткичлари баён қилинган.

Қон зардобининг липид спектридаги ўзгаришлар асосий ва қиёсий гуруҳдаги беморларда умумий холестерин (УХ), паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП), триглицеридлар (ТГ) лар даражасининг ортиши, юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП) миқдорининг камайиши билан тавсифланади.

Сурункали калькулёз холецистит билан касалланган беморлар гуруҳида УХ концентрациясининг қиёсий гуруҳга нисбатан 12% га, ПЗЛП 14% га ( $p < 0,003$ ) ортиши ва ЮЗЛПнинг 16% га камайиши, аксинча, 1А гуруҳдаги беморларда УХ, ПЗЛПлар кўрсаткичи мос равишда 8,0, 7,2% ва 2,4%га ортганлигини кузатдик. Шунингдек, УХ-ЮЗЛП/ЮЗЛП (атерогенлик коэффиценти) IB ва II гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 28% ва 45% га баланд эканлиги қайд этилди.

Липопротеинларнинг юқоридаги нисбати ҳомиладорликнинг кечки муддатларида гестацион даврни кечишига салбий таъсир кўрсатади. Бир қатор илмий изланишлар хулосаларига кўра, ПЗЛП даражалари ва преэклампсия ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. ПЗЛП миқдорининг ортиши, айниқса, семизлик фонида кузатилса, бу ҳолат плацентар майдондаги эндотелийнинг шикастланишига ва кейинчалик преэклампсия ривожланишига сабаб бўлиши тўғрисида маълумот бор. Холецистит ва гипертензив синдром аниқланган барча гуруҳларда метаболик ўзгаришлар, липид профилининг атероген

трансформацияси битта патогенетик механизм асосида эндотелий, тромбоцитларнинг шикастланиши ва фаоллашувига олиб келади. Бу эса преэклампсия учун ҳам, холецистит учун ҳам характерли бўлган яллиғланиш олди ва оксидатив бузилишларга сабаб бўлади.

TNF- $\alpha$  даражаси IB (X+ГС) ва II гуруҳда (ГС) юқори кўрсаткичларга эга, мос равишда  $23,7 \pm 2,41$  пг/мл ва  $21,5 \pm 1,76$  пг/мл даражага тенг. Ҳомиладорлиги меъёрда кечаётган соғлом аёлларда бу  $4,7 \pm 0,53$  пг/мл ни ташкил этади, яъни сурункали холецистит билан хасталанганлар, аммо гипертензия қайд этилмаган аёллар (ХС) билан фарқ кўрсаткичи  $p < 0,001$  га тенг. Бу сурункали холецистит ва преэклампсия хасталиги патогенезида яллиғланиш олди цитокинларининг ахамиятини кўрсатади.

Тадқиқотда IL-1 $\beta$  ошиши гипертензив ҳолатлар кузатилган гуруҳларда яққол кўзга ташланди. Бир нечта тадқиқот муаллифларининг фикрича, бу оғир преэклампсия ҳолатида эндотелиал хужайралар томонидан IL-1 $\beta$  ишлаб чиқарилишининг фаоллашуви билан изоҳланади. Тадқиқотимиз натижалари ҳам бунга далил бўлади. TNF- $\alpha$  ва IL-1 $\beta$  даражасининг кўтарилиши ўт пуфаги касалликлари ва уларнинг негизида гипертензив бузилишлар юзага келишида бевосита тўғри боғланишга эга.

Аксинча, IL-6 ўсиш даражаси ўрганилганда ўт пуфаги патологиясига боғлиқ бўлмаган гипертензив бузилишларда (ГС) қон зардобидаги миқдори сурункали холецистит фонида кузатилган гипертензив синдром аниқланган ҳомиладор аёлларга (X+ГС) нисбатан 1,5 баробар, назорат гуруҳига нисбатан 6,2 баробар ортганлиги ( $p < 0,001$ ) қайд этилди.

